

**РЕСПУБЛИКА ИХТИСОСЛАШТИРИЛГАН ОНКОЛОГИЯ ВА
РАДИОЛОГИЯ ИЛМИЙ-АМАЛИЙ ТИББИЁТ МАРКАЗИ
ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ
DSc.04/30.12.2019.Tib.77.01 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

САМАРҚАНД ДАВЛАТ ТИББИЁТ ИНСТИТУТИ

ШАХАНОВА ШАХНОЗА ШАВКАТОВНА

**СИЙДИК-ТАНОСИЛ ТИЗИМИ ХАВФЛИ ЎСМАЛАРИНИНГ КўПЛАБ
ОСТЕОГЕН МЕТАСТАЗЛАРИНИ КОМБИНИРЛАНГАН ДАВОЛАШ
ТАКТИКАСИНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ**

14.00.14 – «Онкология»

**ТИББИЁТ ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

ТОШКЕНТ – 2022

**Тиббиёт фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси
автореферати мундарижаси**

**Оглавление автореферата диссертации доктора философии (PhD) по
медицинским наукам**

**Contents of dissertation abstract of doctor of philosophy (PhD) on
medical sciences**

Шаханова Шахноза Шавкатовна

Сийдик–таносил тизими хавфли ўсмаларининг кўплаб
остеоген метастазларини комбинирланган даволаш
тактикасини такомиллаштириш 3

Шаханова Шахноза Шавкатовна

Совершенствование тактики комбинированного
лечения множественных остеогенных метастазов
злокачественных опухолей мочеполового тракта 23

Shakhanova Shakhnoza Shavkatovna

Improving the tactics of combined treatment of
multiple osteogenic metastases of malignant
tumors of the genitourinary tract 43

Эълон қилинган ишлар рўйхати

Список опубликованных работ
List of published works..... 47

**РЕСПУБЛИКА ИХТИСОСЛАШТИРИЛГАН ОНКОЛОГИЯ ВА
РАДИОЛОГИЯ ИЛМИЙ-АМАЛИЙ ТИББИЁТ МАРКАЗИ
ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ
DSc.04/30.12.2019.Tib.77.01 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

САМАРҚАНД ДАВЛАТ ТИББИЁТ ИНСТИТУТИ

ШАХАНОВА ШАХНОЗА ШАВКАТОВНА

**СИЙДИК-ТАНОСИЛ ТИЗИМИ ХАВФЛИ ЎСМАЛАРИНИНГ КўПЛАБ
ОСТЕОГЕН МЕТАСТАЗЛАРИНИ КОМБИНИРЛАНГАН ДАВОЛАШ
ТАКТИКАСИНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ**

14.00.14 – «Онкология»

**ТИББИЁТ ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

ТОШКЕНТ – 2022

Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясида В2020.4.PhD/Tib.1096 рақам рўйхатга олинган.

Диссертация Самарқанд Давлат тиббиёт институтида бажарилган.

Диссертация автореферати уч тилда (ўзбек, рус, инглиз (резюме)) Илмий Кенгаш веб-саҳифасида (www.cancercenter.uz) ва «ZiyoNet» Ахборот таълим портали (www.ziynet.uz) манзилларига жойлаштирилган.

Илмий раҳбар:

Рахимов Нодир Махамматкулович
тиббиёт фанлари доктори, доцент

Расмий оппонентлар:

Полатова Джамила Шагайратовна
тиббиёт фанлари доктори

Ахмедов Рустам Носирович
тиббиёт фанлари доктори

Етакчи ташкилот:

Бухоро Давлат тиббиёт институти

Диссертация ҳимояси Республика ихтисослаштирилган онкология ва радиология илмий-амалий тиббиёт маркази ҳузуридаги DSc.04/30.12.2019.Tib.77.01 рақамли Илмий Кенгашнинг 2022 йил «___» _____ соат _____ даги мажлисида бўлиб ўтади (Манзил: 100174, Тошкент ш., Фаробий кўчаси, 383. Тел.: (+99871) 227-13-27; факс: (+99871) 246-15-96; e-mail: info@cancercenter.uz, республика ихтисослаштирилган онкология ва радиология илмий-амалий тиббиёт маркази).

Диссертация билан Республика ихтисослаштирилган Онкология ва радиология илмий-амалий тиббиёт марказининг Ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин (___ рақами билан рўйхатга олинган). Манзил: 100109, Тошкент ш., Фаробий кўчаси, 383. Тел.: (+99871) 227-13-27; факс: (+99871) 246-15-96

Диссертация автореферати 2022 йил «___» _____ да тарқатилди.

(2022 йил «___» _____ даги _____ рақамли реестр баённомаси).

М.Н. Тилляшайхов

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш раиси,
тиббиёт фанлари доктори, профессор

А.А. Адилходжаев

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш илмий
котиби, тиббиёт фанлари доктори, доцент

М.Х. Ходжибеков

Илмий даражалар Илмий кенгаш қошидаги
Илмий семинар раиси, тиббиёт фанлари
доктори, профессор

КИРИШ (фалсафа доктори (PhD) диссертациясига аннотация)

Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати. Ҳозирги кунда Жаҳон соғлиқни сақлаш ташкилотининг башоратларига кўра, бутун дунёда саратон касаллиги ва ўлим даражаси тобора ошиб бормоқда¹. Ўртача йиллик ўсиш суръати 3,71%ни ташкил қилади. Хавфли ўсмаларда суяк метастазлари 30-70% ҳолларда кузатилади ва ўпка ҳамда жигарнинг метастатик зарарланишидан кейин учраш даражаси бўйича 3-ўринни эгаллайди². Метастатик ўсмалар бирламчи ўсмаларга қараганда кўп учрайди ва скелет тизимининг барча ўсмаларининг 96% ни ташкил қилади. Ўтказилган аутопсия маълумотларига кўра, буйрак саратонида (БС) суяк метастазлари 33-60% ҳолларда ривожланади ва простата ҳамда сут беzi саратонидан кейин учинчи ўринда туради. Диагностика усуллари такомиллашганига қарамай, простата беzi саратони ва буйрак хужайрали саратонида кўплаб остеоген метастазларни аниқлаш ва даволаш замонавий онкоурологиянинг энг долзарб муаммоларидан бири бўлиб қолмоқда.

Жаҳонда кўплаб остеоген метастазлари бўлган буйрак хужайрали саратон ва простата беzi саратонини ташхислаш ва даволашда янги ёндошувларни ишлаб чиқиш самарадорлигига эришиш мақсадида қатор илмий тадқиқотлар олиб борилмоқда. Суякларда метастатик ўчоқлар кўпинча умуртқа поғонаси, тос суяклари, қовурғалар, шунингдек узун суякларнинг проксимал қисмларини зарарлайди ва бу суякларнинг метастатик зарарланиши бўлган беморларда компрессия синдромини даволаш муаммоси энг муҳим ва мураккабларидан биридир. Оғрикни йўқотиш механизми хали-ҳанузгача мунозарали бўлиб қолмоқда ҳамда шу билан бирга, энг асосий муаммо - беморлар ҳаёт сифатининг кескин пасайишидир. Адабиётларда комбинирланган ҳолда ишлатилган бисфосфонатлар, моноклонал антителолар ва радиофармпрепаратлар ёрдамида комбинирланган терапиянинг алоҳида натижалари кам. Бу борада буйрак ва простата беzi саратонининг кўплаб остеоген метастазларини комбинирланган ва комплекс даволашнинг янги концепциясини ишлаб чиқиш алоҳида аҳамият касб этмоқда.

Мамлакатимизда аҳолига кўрсатилаётган тиббий ёрдам сифатини тубдан яхшилаш ва кўламини сезиларли даражада кенгайтириш бўйича кенг кўламли мақсадли чора-тадбирлар амалга оширилди. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги ПФ–4947-сон «Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида»ги, 2017 йил 20 июндаги ПҚ–3071-сон «Ўзбекистон Республикаси аҳолисига 2017–2021 йилларда ихтисослаштирилган тиббий ёрдам кўрсатишни янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги Қарори ҳамда мазкур фаолиятга тегишли бошқа меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган вазифалар қўйилган. Ушбу вазифалардан келиб

¹ World Health Organization – Cancer Country Profiles, 2017.

² Malawer M.M., Delaney T.F. Treatment of metastatic cancer to the bone. Cancer 2016;2(62):2298–317.

чиқиб, тиббий ёрдам тизимини такомиллаштириш мақсадида сийдик йўллари хавфли ўсмалари бўлган беморларда, хусусан, буйрак ва простата беги саратони кўплаб остеоген метастазларини даволаш усулларини ишлаб чиқиш, такомиллаштириш ва даво самарадорлигини баҳолаш долзарб илмий йўналишлардан бири бўлиб ҳисобланади.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги ПФ-4947-сон “Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида” ва 2018 йил 7 декабрдаги ПФ-5590-сон “Ўзбекистон Республикаси соғлиқни сақлаш тизимини тубдан такомиллаштириш бўйича комплекс чора-тадбирлар тўғрисида”ги фармонлари, 2017 йил 20 июндаги ПҚ-3071-сон “Ўзбекистон Республикаси аҳолисига 2017-2021 йилларда ихтисослаштирилган тиббий ёрдам кўрсатишни янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида”, 2018 йил 18 декабрдаги ПҚ-4063-сон “Юқумли бўлмаган касалликлар профилактикаси, соғлом турмуш тарзини қўллаб-қувватлаш ва аҳолининг жисмоний фаоллиги даражасини ошириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги қарорлари ҳамда мазкур фаолиятга тегишли бошқа меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни амалга оширишда ушбу диссертация тадқиқоти муайян даражада хизмат қилади.

Тадқиқот республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги. Диссертация тадқиқотлари республика фан ва техника тараққиётининг VI "Тиббиёт ва фармакология" устувор йўналишига мувофиқ олиб борилди.

Муаммонинг ўрганилганлик даражаси. Жаҳон соғлиқни сақлаш ташкилоти (ЖССТ) маълумотлари шуни кўрсатадики, дунё бўйлаб 4 миллионга яқин одам ҳар куни саратон касаллигидан азоб чекади; бу одамларнинг ярмида суяк метастазлари безовталик симптомларнинг асосий манбаидир (Павлова Н. С., Сергиенко Е. А., 2020; Radbruch L., 2020). Суяк метастазлари бўлган беморларнинг кўпчилигида касаллик давом этар экан, қаттиқ оғриқ пайдо бўлади, бу уларнинг ҳаёт сифатининг сезиларли даражада пасайишига олиб келади.

Остеоген метастазларда буйракка токсиклиги юқори бўлган нитроген сақловчи бисфосфонатларни томир ичига юбориш химиотерапиянинг асосий муаммоларидан бири ҳисобланади. (Jiang, C., Li, X., Zhao, H., Liu, H. Long, 2016). Хавфли ўсмаларнинг суяк метастазлари бўлган беморларни даволашнинг замонавий имкониятлари бисфосфонатлар, моноклонал антителоларни клиник амалиётга киритилиши билан, шунингдек, вена ичига юбориладиган тизимли нур усулларининг қўшилиши билан сезиларли даражада кенгайди ва индивидуал терапияни режалаштиришда фойдаланиш мумкин (Васильева Е.Б., Важенин А.В., Гелиашвили Т.М., 2017).

Сўнгги йилларда барча асосий локализациялар бўйича хавфли ўсмалар билан касалланишнинг ортиши кузатилмоқда. Афсуски жараённинг кечиккан босқичида аниқланган ўсмаларнинг фоизи юқорилигича сақланиб қолмоқда, узоқ метастазлар, жумладан суяк метастазлари мавжуд бўлганда, ва остеоген метастазлар беморнинг ҳаёт сифатига жуда ёмон таъсир қилиши бу борада

буйрак ҳамда простата беши саратонининг кўплаб остеоген метастазларини комбинирланган даволашнинг янги концепциясини ишлаб чиқиш алоҳида аҳамият касб этди.

Диссертация тадқиқотининг диссертация бажарилган олий таълим муассасаси илмий-тадқиқот ишлари режалари билан боғлиқлиги. Диссертация тадқиқоти Самарқанд давлат тиббиёт институти илмий-тадқиқот ишлари режасига мувофиқ №012000260 "Юқумли ва юқумли бўлмаган ижтимоий аҳамиятга эга бўлган инсон организми касалликларининг олдини олиш, ташхис қўйиш ва даволаш бўйича илғор технологияларни ишлаб чиқиш" (2018-2022 йй) мавзусидаги илмий лойиҳаси доирасида бажарилган.

Тадқиқотнинг мақсади тизимли нур терапияси билан таргет терапияси комбинациясини такомиллаштириш ҳамда жорий қилиш орқали буйрак ва простата беши саратонининг кўплаб остеоген метастазларини даволаш самарадорлигини оширишдан иборат.

Тадқиқотнинг вазифалари:

буйрак ва простата беши саратонининг кўплаб остеоген метастазлари учун маҳаллий радиофармпрепарати ҳамда моноклонал антителодан фойдаланган ҳолда комплекс терапиянинг оптимал усулини ишлаб чиқиш;

суяк метастазларини стандарт даволаш усуллари билан комбинир даволашдан сўнг яшовчанлик даражаси ва антиангенал самарадорлигини қиёсий баҳолаш.

кўплаб суяк метастазларининг ҳар хил турдаги скелет ҳодисаларида комбинирланган остеопротектив терапия самарадорлигини ўрганиш.

буйрак ва простата беши саратонининг кўплаб остеоген метастазларида скелет асоратларининг олдини олиш учун прогностик омилларни аниқлаш.

Тадқиқотнинг объекти сифатида 2015 йилдан 2020 йилгача Республика ихтисослаштирилган онкология ва радиология илмий-амалий тиббиёт марказида, шунингдек РИО ва РИАТМ Самарқанд вилояти филиали бўлимларида стационар ва амбулатор даволанган буйрак ва простата беши саратони кўплаб остеоген метастазлари бўлган 110 нафар беморлар киритилди.

Тадқиқотнинг предмети ташхис қўйилган буйрак ва простата беши саратони билан оғриган беморлардан олинган гистологик тасдиқланган материаллар (ретроспектив маълумотларга асосланган), касаллик тарихи, амбулатория ёзувлари, саратон регистри маълумотлари олинган.

Тадқиқотнинг усуллари. Тадқиқот мақсадига эришиш ва қўйилган вазифаларни ҳал қилиш учун қуйидаги усуллардан фойдаланилди: рентгенологик, ультратовуш, радиоизотоп сцинтиграфия, МРТ, МСКТ, морфологик, радионуклид терапия, таргет терапия ва статистик усулларида фойдаланилган.

Тадқиқотнинг илмий янгилиги қуйидагилардан иборат:

буйрак ва простата беши саратонининг кўплаб остеоген метастазларида суяк тўқимасининг метастатик пролиферация ўчоқларида танлаб тўпланиш мақсадида, бифосфонат ва нурли радиофарм тизимли мажмуада танланган

ўсмага таъсирини инобатга олган ҳолда таргет даволашни қўллаш исботланган;

ностероид анальгетиклар ва наркотик анальгетикларга бўлган талабини пасайтиришда суякларни остеолитик ва остеобластик тавсифидаги метастатик шикастланишини комбинациялашган остеопротектив даволашда шишни олдини олиш ҳисобига β -нурли радиофармни қўллаш самарадорлиги исботланган;

буйрак етишмовчилиги ҳолатида анъанавий даволаш (золедрон кислота) қўллашга нисбатан таққосланганда суяк метастазлари ўрнига нефротоксик самарадорлигини пасайтириш мақсадида радиофарм дори воситаси тизимини танлаб таъсир этиши исботланган;

бирламчи шикастланишлар (буйрак), скелет метастазларини жойлашуви (ўқ суяклар), патологик синишларнинг мавжудлиги, шунингдек, метастазнинг остеолитик тури простата ва буйраклар саратонида остеоген метастазнинг ўсма агрессивлиги натижасида энг салбий башорат омили эканлиги исботланган.

Тадқиқотнинг амалий натижалари қуйидагилардан иборат:

Буйрак ва простата беzi саратонининг кўплаб суяк метастазлари учун таргет терапия ва тизимли нурланиш терапиясига кўрсатмалар ишлаб чиқилди ҳамда даволашдан олдинги ва даволашдан кейинги босқичларида ўсма ривожланиш хавфи юқори бўлган беморларни аниқлаш мезонлари ўрганилди.

Таргет ва тизимли нур терапиясидан фойдаланиш буйрак етишмовчилиги билан асоратланган буйрак ва простата саратонининг кўплаб суяк метастазлари учун танлов усули ҳисобланади.

Тадқиқот натижалари буйрак ва простата беzi саратонининг суяк метастазлари бўлган беморларни даволашнинг энг оқилона тактикасини ишлаб чиқишга маълум даражада ўз ҳиссасини қўшди, бу эса даволаш усулларини оптималлаштириш орқали яшовчанлик даражасини ошириш, ўртача умр кўриш давомийлигини ва беморларнинг ҳаёти сифатини яхшилаш имконини берди.

Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги.

Тадқиқот ишида замонавий усул ва ёндошувларнинг қўлланилганлиги, назарий маълумотларнинг олинган натижалар билан мос келиши, олиб борилган текширувларнинг услубий жиҳатдан тўғрилиги, беморлар сонининг етарлилиги, умумклиник, функционал, биокимёвий, инструментал, морфологик ва статистик текширув усулларига асосланганлиги, барча рақамли маълумотлар замонавий компьютер технологияларини қўллаб ишлов берилганлиги, шунингдек, тадқиқот натижаларининг халқаро ҳамда маҳаллий тадқиқотлар билан таққосланганлиги, чиқарилган хулоса ҳамда олинган натижаларнинг ваколатли тузилмалар томонидан тасдиқланганлиги билан асосланади.

Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти. Тадқиқот натижаларининг илмий аҳамияти хулосалар ва таклифларнинг ўзига хос назарий аҳамиятга эга эканлиги билан белгиланади, бу буйрак ва простата

бези саратони кўплаб суяк метастазларини даволаш хусусиятларини ўрганишга катта ҳисса қўшди, ишлаб чиқилган комплекслар ёрдамчи таргет-радионуклид терапиясининг самарадорлигига қараб, буйрак ва простата бези саратонининг кўплаб суяк метастазларини даволаш учун мос келади.

Тадқиқот ишининг амалий аҳамияти шундаки, буйрак ҳамда простата бези саратонининг кўплаб суяк метастазларини таргет-радионуклид терапияси билан даволашнинг янги усули, шунингдек, даволашнинг тактик ва техник жиҳатлари клиник амалиётга ишлаб чиқилди ва жорий қилинди, шунингдек, даволаш самарадорлигини ошириш, асоратлар учраш тезлигини ва меҳнат, ижтимоий чекловлар камайиши имконини берди, ишлаб чиқилган янги даволаш тактикаси диагностика сифатини яхшилашга ва адъювант таргет-радионуклид терапияси турини танлашни оптималлаштиришга имкон берди.

Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши. Буйрак ва простата бези саратонида кўплаб суяк метастазларини даволаш натижаларини яхшилаш бўйича тадқиқот иши натижалари асосида:

Буйрак ва простата бези саратони остеоген метастазларининг ташхисида хавф параметрларини аниқлаш усулини таклиф этилган "Буйрак ва простата саратони симптомсиз суяк метастазларини ва хавф параметрларини аниқлаш йўллари" номли услубий тавсиянома тасдиқланган (Соғлиқни сақлаш вазирлигининг 2021 йил 11 июндаги 8н-р/496-сонли маълумотномаси).

Буйрак ва простата саратони остеоген метастазининг фармакотерапия усуллари, таргет терапия ва радионуклид терапияси таклиф этилган "Сийдик тизимининг остеоген метастазлари оғриқларини таргет ва радионуклид терапияси" номли услубий тавсиянома тасдиқланган (Соғлиқни сақлаш вазирлигининг 2021 йил 14 июндаги 8н-р/525 маълумотномаси).

Сийдик йўллари хавфли ўсмаларининг кўплаб остеоген метастазларини даволаш усулларини такомиллаштириш бўйича олинган илмий тадқиқот натижалари Республика ихтисослаштирилган онкология ва радиология илмий-амалий тиббиёт марказининг Бухоро, Фарғона, Қашқадарё ва Сирдарё вилоятлари филиалларининг паллиатив бўлимлари амалиётига жорий этилган (Соғлиқни сақлаш вазирлигининг 2021 йил 9 июлдаги 8 н-д/225-сонли маълумотномаси). Жорий этилган натижалар буйрак ва простата бези саратони кўплаб остеоген метастазларини даволаш самарадорлигини ошириш, даволаш муддатини қисқартириш, асоратлар сонини камайтириш, ногиронликни камайтириш ва беморларнинг ҳаёт сифатини яхшилаш имконини берди.

Тадқиқот натижаларининг апробацияси. Мазкур тадқиқот натижалари 4 та илмий анжуманларда, жумладан, 2 та халқаро ва 2 та республика илмий-амалий анжуманларида муҳокамадан ўтказилган.

Тадқиқот натижаларининг эълон қилиниши.

Диссертация мавзуси бўйича 23 та илмий иш чоп этилган, шулардан Ўзбекистон Республикаси Олий аттестация комиссиясининг диссертациялар асосий илмий натижаларини чоп этиш тавсия этилган илмий нашрларда

7 та мақола, жумладан 4 таси республика ва 3 таси хорижий журналларда нашр этилган.

Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми. Диссертация таркиби кириш, тўрта боб, хулоса, фойдаланилган адабиётлар рўйхати ва қисқартирмалардан иборат. Диссертациянинг ҳажми 118 бетни ташкил этган.

ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

Кириш қисмида тадқиқот мавзусининг долзарблиги ва зарурати, тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги, тадқиқ этилаётган муаммонинг ўрганилганлик даражаси, диссертация мавзусининг диссертация бажарилган олий таълим муассасасининг илмий тадқиқот ишлари режалари билан боғлиқлиги, тадқиқотнинг мақсад ҳамда вазифалари, объекти, предмети, усуллари, тадқиқотнинг илмий янгилиги ва амалий натижаси, тадқиқот натижаларининг ишончлилиги, илмий ва амалий аҳамияти, жорий қилиниши, апробацияси, эълон қилинганлиги ҳамда диссертациянинг ҳажми, тузилиши бўйича маълумот берилган.

Диссертациянинг «**Кўплаб остеоген метастазларнинг диагностикаси ва даволаш масалаларининг замонавий ҳолати**» деб номланган биринчи бобида мавзу бўйича олиб борилган тадқиқотлар натижалари, хорижий ва маҳаллий адабиётлар таҳлили батафсил ёритилган. Адабиётлар мушоҳадасида тадқиқот мақсадидан келиб чиққан ҳолда дунёдаги ва Ўзбекистондаги буйрак ва простата беши саратони билан касалланган беморларда кўплаб остеоген метастазларнинг ривожланиши, унинг этиопатогенези, диагностика, мониторинги ва даволашнинг замонавий усуллари, шунингдек, мавзу муаммосининг моҳиятини очиб берувчи адабиётларни ўрганиш тақдим этилди. Юқорида қайд этилганлар бизнинг изланишимизни мақсадини белгилади.

Диссертациянинг «**Материалларнинг клиник тавсифи ва кўлланилган текшириш усуллари**» деб номланган иккинчи бобида тадқиқот материаллари ва усуллари тавсифланган, клиник материалларнинг умумий тавсифи, клиник ва инструментал тадқиқот усуллари берилган. Тадқиқот иши Самарқанд давлат тиббиёт институтининг онкология кафедрасида олиб борилди ва Республика ихтисослаштирилган онкология ва радиология илмий-амалий тиббиёт марказида, шунингдек РИО ва РИАТМ Самарқанд филиалида стационар ва амбулатор даволанган буйрак ва простата беши саратони кўплаб остеоген метастазлари бўлган 110 нафар беморларнинг даволаш натижаларига асосланди. Беморлар ўз навбатида уч гуруҳга бўлинган. 1-гуруҳ – 46 (41,82%) беморлар (ретроспектив гуруҳ, назорат гуруҳи) бисфосфонатлар (золендрон кислота) билан биргаликда специфик ўсмага қарши терапия олган, бу ҳозирги кунда республикада хавфли ўсмаларнинг остеоген метастазларини даволашда стандарт ҳисобланади, 2-гуруҳ – 33 (30%) беморлар (проспектив гуруҳ) деносумаб ва радионуклид терапияси (153-самарий-Оксабифор) билан золендрон

кислотали мақсадли остеопротектив терапия билан биргаликда специфик ўсмага қарши даволаш олган, 3-гурух –31 (28,2%) беморлар (проспектив гуруҳ) специфик ўсмага қарши терапиясини ҳамда остеопротектив терапия қабул қилган, стандарт усул (золендрон кислотаси) самарасиз бўлган, деносуаб терапияси ва радионуклид терапияси (153-самарий-Оксабифор) олган беморларни ўз ичига олди.

Барча беморларда БҲС, ПБС морфологик тасдиқланган ва ОСГ ёки МСКТ ва/ёки МРТ ёрдамида суяк метастазлари аниқланган. Мунтазам текширув усулларида сўнг, ишқорий фосфатаза (ИФ), кислотали фосфатаза (КФ), лактатдегидрогеназа (ЛДГ) ва зардобда кальцийнинг умумий даражасини аниқлаш ўтказилди. Суякларнинг зарарланиш жойларини, зарарланиш тузилишини ва зарарланган суяклар сонини аниқлаш учун қуйидаги визуализация усуллари қўлланилди: СРИС (суякларни радиоизотопли сканерлаш) “AnyScan” комбинирланган диагностик системасида, Компьютер томографияси 3-авлод SOMATOM AR.TX («Siemens»), МР-томография “Siemens” (Германия) фирмасининг MagnetomOpen/Viva аппарати ёрдамида амалга оширилди.

СМ аниқланганда паллиатив даво ўтказилди: барча беморларга бисфосфонатлар (хар 28 кунда бир марта Зомета 4 мг), простата беги саратонида антиандроген терапия давом эттирилди (қунига 150 мг Бикалутамид) ва гонадотропин-релизинг гормон аналоглари (Золадекс 3.6 мг дан 28 кун ичида 1 марта), М.Н. Тилляшайхов ва бошқаларнинг кўрсатмасида таклиф қилинган (2020) Метастатик буйрак саратонининг бирламчи ўчоғига М.Н. Тилляшайхов ва бошқалар (2019) таклиф қилган таргет терапия қўлланилди.

Тизимли нур терапияси билан даволаш босқичи В.И.Воҳидов номидаги Республика ихтисослаштирилган жарроҳлик илмий-амалий марказининг интервенцион радиология бўлимида ўтказилди.

Даволаш натижаларини баҳолаш учун қуйидаги шкалалар ишлатилди: суяк оғриғи динамикасини баҳолаш шкаласи, ЖССТ аналгетик шкаласи, Карновский шкаласи.

Тадқиқотда олинган маълумотлар Microsoft Office Excel-2016 дастурий таъминоти ёрдамида, Pentium-IV шахсий компьютерида IBM SPSS Statistics v.26 (IBM Corporation) программаси ёрдамида статистик қайта ишланди.

Диссертациянинг «Буйрак хужайрали саратон ва простата беги саратони бўлган суяк метастазлари ривожланган беморларда тизимли нур терапиянинг терапевтик самарасини баҳолаш» деб номланган учинчи бобида даволаш натижаларини ўрганишга бағишланган. Беморларнинг умумий ҳолати беморларнинг субъектив маълумотларига кўра баҳоланди: жисмоний ва руҳий маълумотлар. Аналгетикларни қабул қилишнинг ўзгариши тиббий ходимлар ва беморларнинг ўзлари томонидан объектив равишда аниқланди. Оғриқ қолдирувчи таъсир беморларнинг аналгетикларга бўлган эҳтиёжининг ўзгаришига қараб субъектив баҳоланди (доимий оғриқ, тунги оғриқ, оғриқ ҳаракат пайтида пайдо бўлади ва ҳоказо).

Беморларни даволанишгача Карновский шкаласи бўйича

тақсимланиши

Карновский шкаласи бўйича баллар	Нозология											
	Буйрак саратони n=48			P	Простата беzi саратони n=62			P	Итого			P
	abs	M(%)	m		abs	M(%)	m		abs	M(%)	m	
40	3	6,25	3,49	Хи-квадрат = 8,750; p = 0,119	5	8,06	3,46	Хи-квадрат = 8,258; p = 0,143	8	7,27	2,48	Хи-квадрат = 16,873; p = 0,005
50	8	16,67	5,38		10	16,13	4,67		18	16,36	3,53	
60	10	20,83	5,86		12	19,35	5,02		22	20,00	3,81	
70	11	22,92	6,07		14	22,58	5,31		25	22,73	4,00	
80	12	25,00	6,25		15	24,19	5,44		27	24,55	4,10	
90	4	8,33	3,99		6	9,68	3,75		10	9,09	2,74	
Итого	48	100,00	0,00		62	100,00	0,00		110	100,00	0,00	
P	Хи-квадрат Пирсон = 0,219; p = 0,999											

Беморларнинг асосий контингентиди беморнинг тўлиқ мустақиллиги сақланиб қолганда, унинг нормал фаолияти чекланган эди, бу 73 (66,36%) беморни ташкил этди. 64 (58,2%) беморга комбинирланган терапия, шу жумладан кўплаб остеоген метастазларни даволашда радиофармтерапия (самарий Оксабифор) билан таргет терапия (деносумаб) буюрилди.

56 беморда таргет терапия ва радиофармтерапия ёрдамида комбинирланган терапиядан сўнг умумий ҳолатнинг яхшиланиши қайд этилди, бу 87,5% ни ташкил этди. Аналгетикларни қабул қилиш ва уларнинг дозалари камайиши 50 та беморда (78,1%) қайд этилди, улардан 14 (21,8%) бемор аналгетикларни қабул қилишни тўхтатди, 50 та бемордан 28 та (56%) беморда аналгетиклар қабул қилиш сони ва дозаси 80%гача камайди. 29 та (45,3%) беморда ҳаракатчанликнинг яхшиланиши, 35 та (54,6%) беморда субъектив тўлиқ ҳаракатчанлик қайд этилди.

2-жадвал

Комбинир терапиядан сўнг оғриқ қолдирувчи самарасининг ойлардаги давомийлиги

Ўсма жойлашуви	1-дозадан сўнг	2-дозадан сўнг	3-дозадан сўнг
Буйрак саратони	5,06±0,19	6,69±0,19	6,19±0,24
Простата беzi саратони	5,66±0,18	7,58±0,19	7,98±0,23

2-жадвалдан кўриниб турибдики, радиофармпрепаратни биринчи марта ишлатилгандан 3 ой ўтгач, такроран юбориш билан оғриқ қолдирувчи таъсирнинг давомийлиги ошди, бу статистик усуллар билан тасдиқланди. Шу билан бирга, препаратнинг 3-дозаси оғриқ қолдирувчи терапия давомийлигининг ошишига олиб келмади.

¹⁵³Sm- Оксабифор юборилгандан 1-3 ой ўтгач, оғриқни баҳолашдаги ўртача қийматлар ва ўзгаришлар 3-жадвалда кўрсатилган.

Оғриқни баҳолашдаги ўзгаришлар

	Базал маълумотлар		1 ойдан сўнг		3 ойдан сўнг	
	М	m	М	m	М	m
Оғриқни баҳолашдаги ўзгаришлар	8,30	0,45	5,31	0,24	4,79	0,19
Оғриқни баҳолаш	abs	%	abs	%	abs	%
0	0	0,00	0	0,00	2	6,25
1	0	0,00	3	9,38	2	6,25
2	0	0,00	2	6,25	5	15,63
3	0	0,00	6	18,75	3	9,38
4	0	0,00	5	15,63	8	25,00
5	0	0,00	5	15,63	6	18,75
6	1	3,13	4	12,50	1	3,13
7	3	9,38	5	15,63	5	15,63
8	14	43,75	2	6,25	0	0,00
9	14	43,75	0	0,00	0	0,00

3-жадвалдан кўришиб турибдики, даволаш бошланишида оғриқ интенсивлиги 6-9 балл даражасида тавсифланган. 153Sm-Оксабифор юборилгандан 1 ой ўтгач оғриқни баҳоланганда куйидагича ўзгарган: 21 (60%) беморда оғриқ камайган, 6 (18,7%) беморда оғриқ кучайган, 5 (15,6%) беморда таъсир кузатилмаган. 153Sm-Оксабифор юборилгандан уч ой ўтгач **охриқ** баҳоланганда 2 (6,3%) беморда оғриқ тўхтади, 27 (84,3%) беморда оғриқ камайди, 2 (6,3%) беморда оғриқ кучайди.

Оғриқ қолдирувчи воситани баҳолаш. Оғриқни йўқотиш аналгетикларнинг керакли дозасини камайтириш билан бирга кечди. Комбинирланган терапиядан 1 ва 3 ой ўтгач аналгетик баллардаги ўзгаришлар 3 -жадвалда кўрсатилган.

БЖССТ шкаласи бўйича оғриқсизлантирувчи самарани баҳолаш

Баллар 0–оғриқсиз- лантирувчи воситаларсиз	Базал маълумотлар		1 ойдан сўнг		3 ойдан сўнг		P		
	abs	%	abs	%	abs	%	Базал маълумотлар	1 ойдан сўнг	3 ойдан сўнг
1-опиат аналгетиклар, НЯҚП ларсиз	0	0,00	5	15,63	7	21,88			
2-енгил опиатлар	7	21,88	10	31,25	12	37,50	Вилкоксона Z белгиланиш мезони ўрни		
3-кучли таъсирли опиатлар	18	56,25	10	31,25	9	28,13	-3,606	-4,690	-3,000
Баллар	7	21,88	7	21,88	4	12,50	0,000	0,000	0,003

Аналгетик таъсирни баҳолаш кўрсаткичлари 1 ва 3 ой давомида дастлабки маълумотлардан куйидагича ўзгарди: аналгетикларни тўхтатиш 15,6% ва 21,9% беморларда, НЯҚВ билан аналгезия 31,3% ва 37,5% беморларда, енгил опиатлар 31,3% ва 28,1% беморларда, кучли опиатлар 21,9% ва 25% беморларда.

Беморнинг ҳаракатчанлиги. Оғриқнинг йўқолиши беморнинг ҳаракатчанлигини яхшиланиши билан бирга кечди. Карновский шкаласи (КШ) асосида ҳаёт сифатининг ўзгариши (ҲСЎ) ўртача қийматлари куйидагича акс этди:

5-жадвал

Комбинирланган терапиядан сўнг беморларнинг ҳаракатчанлиги

Баллар	Базал маълумотлар		1 ойдан сўнг		3 ойдан сўнг	
	М	m	М	m	М	m
Карновский шкаласи	47,00	1,65	67,06	1,50	66,00	1,34
	abs	%	abs	%	abs	%
20%	0	0,00	0	0,00	0	0,00
30%	0	0,00	1	3,13	0	0,00
40%	1	3,13	1	3,13	1	3,13
50%	12	37,50	3	9,38	2	6,25
60%	14	43,75	11	34,38	10	31,25
70%	4	12,50	6	18,75	6	18,75
80%	1	3,13	6	18,75	6	18,75
90%	0	0,00	3	9,38	5	15,63
100%	0	0,00	1	3,13	2	6,25

Комбинирланган терапиядан 1 ой ўтгач, маълумотларни солиштирганда, 1 (3,1%) та беморда базал Карновский Шкаласи 100% бўлган, 3 (9,4%) та беморда Карновский Шкаласи 90% бўлган ва 1 (3,1%) та беморда КШ ёмонлашди, бу 30% ни ташкил этди.

Уч ой ўтгач беморларнинг умумий ҳаёт сифати яхшиланишга мойил бўлди, яъни даволаниш бошида, Карновский шкаласи бўйича, 47% ни ташкил этди; комбинирланган даволанишдан сўнг, ҳаёт сифатининг яхшиланишида статистик жиҳатдан сезиларли фарқ бор эди, бошланғич 47% билан 66% ($p \leq 0,05$).

Гематологик токсиклик. 153Sm-Оксабифор билан даволанишнинг ноҳўя таъсирдан бири гематологик токсикликдир. 6-жадвалдан кўришиб турибдики лейкоцитлар ва тромбоцитлар сонининг камайиши энг юқори кўрсаткичлари 1-даволанишдан кейин қайд этилган, аммо 3 ойдан кейин бу кўрсаткичлар нормал ҳолатга қайтди. Шу билан бирга суяк илиги функциясини пасайиши енгил ва вақтинчалик эди.

Ишқорий фосфатаза. Қон зардобдаги ишқорий фосфатаза даражасининг пасайиши, комбинирланган терапиядан 1 ой ўтгач, ишқорий

фосфатаза фракциясининг 8,7 дан пасайиши ($p \leq 0,05$) аниқланди. Жадвалда даволанишдан 1 ва 3 ой ўтгач зардоб ИФ даражаси кўрсатилган.

6-жадвал

Маркерлар кўрсаткичларининг динамикаси

	Базал маълумотлар		1 ойдан сўнг		P	3 ойдан сўнг		P	P
	M	σ	M	σ		M	σ		
Ишқорий фосфатаза (Ед/л)	873,00	11,10	413,03	111,25	0,000	260,00	63,44	0,000	0,000
Суяк фосфотазаси (Мкг/л)	94,66	10,76	45,00	10,32	0,000	19,00	4,84	0,000	0,000
Гемоглобин (г/л)	113,00	3,87	103,00	9,63	0,000	99,00	17,10	0,000	0,282
Лейкоцит (10 ⁹ /л)	8,20	2,44	4,90	1,22	0,000	6,10	1,69	0,000	0,002
Тромбоцит	263,00	62,13	141,00	35,07	0,000	201,97	56,18	0,001	0,000

Sm-153 ва моноклонал антителолардан фойдаланган ҳолда комбинир терапия олган беморларда оғриқ жавоби тезлиги ҳар хил турдаги суяклар рецидив билан оғриган беморлар ўртасида фарқ қилмади, шу билан бирга оғриқ реакцияларининг темпи вақт ўтиши билан аста-секин камайиб борди, 7 ҳафтада энг юқори жавоб қайд этилди (остеобластик жараён учун 91,23%, остеолитик жараён учун 94,44% ва аралаш турдаги 87,5%) ва 12 -ҳафтада энг паст жавоб кузатилди (мос равишда 77,2%, 77,8% ва 62,5%) (№ 7-жадвал).

7-жадвал

Беморларнинг суяк метастазлари хусусиятларига кўра тақсимланиши

Ҳафталар	Бластик жараён			Литик жараён			Аралаш жараён		
	Кузатувлар сони			Кузатувлар сони			Кузатувлар сони		
	abs	M(%)	m	abs	M(%)	M	abs	M(%)	m
7	52	91,23	3,75	34	94,44	3,82	14	87,50	8,27
8	51	89,47	4,06	33	91,67	4,61	13	81,25	9,76
9	48	84,21	4,83	32	88,89	5,24	12	75,00	10,83
10	46	80,70	5,23	30	83,33	6,21	11	68,75	11,59
12	44	77,19	5,56	28	77,78	6,93	10	62,50	12,10
Всего	57	51,82	4,76	36	32,73	4,47	16	14,55	3,36

Биз суяк метастазларининг ҳар хил турлари ўртасида оғриқли реакцияларда сезиларли фарқларни топдик. Шунинг учун, агар суяк скинтиграфиясида бир нечта суяк шикастланиши аниқланса, бисфосфонатлар, таргет препаратлар ва радиофармтерапия ёрдамида метастатик тугунлар сонидан қатъи назар, терапияни бошлаш керак.

Диссертациянинг «Скелет ҳодисалари учраш даражасини аниқлашда башоратловчи омилларни аниқлаш» деб номланган тўртинчи бобида скелет ҳодисалари учраш даражасини аниқлашда

башоратловчи омиллар ўрганилди. Суяк ҳодисалари кейинчалик ривожланган беморларнинг нисбатларини баҳолаш 8-жадвалда кўрсатилган.

8-жадвал


Скелет ҳодисалари бўлган беморлар нисбати

Кўрсаткич	1 гуруҳ			2 гуруҳ			3 гуруҳ		
	abs	M(%)	m	abs	M(%)	M	abs	M(%)	m
Скелет ҳодисалари бўлган беморлар нисбати	6	13,04	4,97	11	33,33	8,21	9	29,03	8,15
P	Пирсон Хи-квадрати =5,079; p = 0,079								
Скелет ҳодисалари учраш даражаси	0,13			0,33			0,29		

Суяк ҳодисалари кейинчалик ривожланган беморларнинг нисбатларини баҳолашда 2-гуруҳ (комплекс даволаш гуруҳи) беморларида ривожланган скелет ҳодисалари учраш даражасини баҳолашда уларнинг камайиш тенденцияси аниқланди ($p \leq 0,005$). Натижаларни синчковлик билан таҳлил қилиш шуни кўрсатдики, деносумаб+радиофармпрепарат комбинацияси скелет ҳодисалари учраш даражасининг пасайиш тенденциясини ҳам кўрсатди ($p \leq 0,005$).

Шуни ҳам таъкидлаш керакки, ҳар 3 ойда 3-чорақда динамик кузатув билан (8 ойдан кейин) 2-гуруҳдаги 3 беморда касалликнинг ривожланиши кузатилди. Худди шу кузатув даврида касалликнинг суяк зоналари ташқарисида ривожланиши (юмшоқ тўқималар, висцерал органлар, регионар ва норегионар лимфа тугунлари) 110 беморнинг 33 тасида янги метастазлар ўсиши ва пайдо бўлишини кўрсатди, бу 17,1% ни ташкил этди. 1-гуруҳдаги стандарт терапияда 9,6% ҳолларда, 3-гуруҳда 9,6% да кузатилди.

Самарадорликни баҳолашнинг кейинги мезони - скелет ҳодисаларининг ривожланиш вақти. Биринчи скелет ҳодисасининг ўртача вақти $161 \pm 17,6$ кун, 1-гуруҳда 66,01 стандарт оғиш билан; 95% ишончлилик даражаси 38,1. 2-гуруҳда скелетнинг биринчи ҳодисасига ўртача вақт $267,2 \pm 31,4$ кун, стандарт оғиш 117,4; 95% ишончлилик даражаси - 67,7. 3-гуруҳда скелетнинг биринчи ҳодисасига ўртача вақт $202,2 \pm 18,6$ кун бўлиб, стандарт оғиш 69,5, 95% ишончлилик даражаси 40,1 ($p = 0,0041$) расм-2.



2-расм. Биринчи скелет ҳодисаси учун ўртача вақт

Диаграммадан кўришиб турибдики, остеопротектив терапиянинг комплекс ёндашуви қўлланилган 2-гуруҳда биринчи скелет ҳодисасининг ўртача вақти стандарт терапия ўтказилган гуруҳга ёки таргет-радиофармтерапия гуруҳига қараганда статистик жиҳатдан анча юқори бўлган. Шу билан бирга, 1 ва 3-гуруҳ натижаларини солиштирганда, таргет+радиофармтерапиядан фойдаланганда таъсир золендрон кислота ишлатилгандек бир хил эканлиги аниқланди.

Шундай қилиб, биз скелет ҳодисалари ўсмага қарши даволаниш самарасиз бўлганда учраб туришини кўрсатдик. Шубҳасиз, бисфосфонатларнинг самарадорлигини баҳолаш ушбу даврдаги баҳолашга асосланиши керак.

Буйрак ва простата беги саратонининг остеоген метастазининг башоратловчи омилларини аниқлаш учун биз қуйидаги мезонлардан фойдаланганмиз (8-жадвал):

1. Бемор билан боғлиқ омиллар: жинси, ёши, неврологик ҳолати ва ECOG га мувофиқ ҳаёт сифати;

2. Бирламчи ўчоқ билан боғлиқ омил - бу бирламчи зарарланиш органи, висцерал метастазларнинг мавжудлиги;




3. Скелет метастазлари билан боғлиқ омил - оғриқсиз интервал, скелет метастазларининг жойлашуви, метастазлар сони ва патологик синиш киради.

9-жадвал

Башоратловчи ҳолатлар эхтимolini тақсимланиши

Омиллар	Башоратловчи ҳолатлар	гуруҳлар	Abs	M(%)	m
Бемор билан боғлиқ омиллар	Жинси	эркаклар	89	80,91	3,75
		аёллар	21	19,09	3,75
	Ёши (йил)	60 дан кичик	61	55,45	4,74
		60 дан юқори	49	44,55	4,74
	Неврологик ҳолати	йўқ	78	70,91	4,33
		ха	32	29,09	4,33
	ЕСОГ га мувофиқ ҳаёт сифати	0-2 балл	69	62,73	4,61
		3-4 балл	0	0,00	0,00
Бирламчи ўчоқ билан боғлиқ омил	Бирламчи зарарланиш	Буйрак	48	43,64	4,73
		Простата беzi	62	56,36	4,73
	Висцерал метастазлар	йўқ	54	49,09	4,77
		ха	56	50,91	4,77
Скелет метастазлари билан боғлиқ омил	Оғриксиз давр	йўқ	51	46,36	4,75
		ха	59	53,64	4,75
	Скелет метастазлари жойлашуви	Ҳаракатланувчи суяклар (одам скелетининг ҳаракатланувчи қисмларини ташкил этувчи суяклар)	13	11,82	3,08
		Ўқ суяклар	69	62,73	4,61
		Ҳаракатланувчи ва ўқ суяклар	28	25,45	4,15
	Кўплаб метастазлар	йўқ	35	31,82	4,44
		ха	75	68,18	4,44
	Патологик синиш	йўқ	60	54,55	4,75
		ха	50	45,45	4,75
	Метастаз характери	Остеолитик	48	43,64	4,73
Остеобластик		62	56,36	4,73	

Яшовчанлик даражаси Каплан-Майер усули ёрдамида ҳисоблаб чиқилган. Юқоридаги фикрларнинг барчаси мустақил ўзгарувчилар сифатида Кокс пропорционал хавфлар усули ёрдамида киритилган. Олинган натижалар: бутун гуруҳнинг яшовчанлик даражаси 6 ойда 66%, 12 ойда 48%, 24 ойда 33%, 36 ойда 23% ни ташкил этди.



2-расм. Каплан-Майер бўйича яшовчанлик

Бирламчи ўсманинг кўп ўлчовли таҳлилида, ECOG ҳолати 3 ёки 4 га нисбатан висцерал метастазлар ва кўплаб скелетли метастазлар муҳим алоҳида башоратловчи омиллар эди (9-жадвал).

9-жадвал

Бирламчи ўсманинг кўп ўлчовли таҳлили

Ўзгарувчан (кодлаш)	Регресс Кoeffициент	Стандарт хатолик	Тест статистикаси	р кўрсаткичи	Хавфлар нисбати (95% ИО)
Жинси (аёл-0, эркак-1)	-0,115	0,144	0,641	0,423	0,891 (0,672-1,181)
Ёши йилларда ≥60-0; ≤60-1	0,048	0,139	0,122	0,727	1,05 (0,80-1,37)
ECOG 0-2:0; 3-4:1	0,402	0,151	7,112	0,008	1,495 (1,11-2,01)
Бирламчи ўчоқ буйрак	1,646	0,177	86,109	≤0,001	5,189 (3,66-7,34)
Бирламчи ўчоқ простата беши	0,908	0,193	22,142	≤0,001	2,47 (1,69-3,61)
Висцерал метастазлар	0,796	0,136	34,075	≤0,001	2,21 (1,69-2,89)
Суюқларда метастаз пайдо бўлгунча оғриқсиз давр	0,295	0,205	2,069	0,15	1,343 (0,899-2,006)
Скелет метастазлари жойлашуви	0,186	0,278	0,447	0,504	1,204 (0,698-2,078)
Кўплаб метастазлар	0,339	0,171	3,927	0,001	1,404 (1,004-1,964)
Патологик синиш	0,144	0,136	1,127	0,288	1,155 (0,885-1,508)
Остеолитик	0,009	0,157	0,004	0,953	1,009 (0,743-1,372)
Остеобластик	0,011	0,124	0,003	0,753	1,010 (0,743-1,372)

Бирламчи ўсманинг кўп ўлчовли таҳлилида бирламчи ўсма учун энг юқори хавф нисбати аниқланди. Натижалар шуни кўрсатадики, буйракда бирламчи локализацияли ва простата безининг бирламчи локализациясига

эга беморлар мос равишда 5,19 ва 2,48 бўлган, яъни ўлим эҳтимоли буйрак гуруҳида простата гуруҳига қараганда юқори бўлди.

Бизнинг тадқиқотимиз шуни кўрсатдики, ёш ва кўплаб скелетли метастазлар муҳим башоратловчи омиллар ҳисобланади. Бу тадқиқот истиқболли бўлиб, таргет-радионуклид терапияси билан даволанган беморларда ўтказилган ва танлов терапияси бўлиши мумкин. Бизнинг тадқиқотимиздан кўриниб турибдики, неврологик ҳолат яшаб қолишга таъсир қилмайди. Простата беши саратони билан оғриган беморларда кўкрак умуртқалари ва тос суяги ижобий башоратловчи омил, бел-думғаза каудал соҳадаги метастазлар эса салбий башоратловчи омил ҳисобланади. Простата безининг бирламчи шикастланиши билан даволаш пайтида аллақачон скелет метастазлари бўлган беморлар, суяк сканерида топилган скелетнинг бир қанча шикастланишларидан қатъи назар, ижобий башоратловчи омилга эга бўлган. Шундай қилиб, биз бирламчи саратондан скелет метастазигача бўлган касалликсиз давр яшаб қолишга таъсир қилиши мумкинлигини кутгандик, аммо бу топилмади. Патологик синишга келсак, у буйрак саратонининг салбий башоратловчи омили эди, лекин простата беши саратонида бу яшовчанлик даражасига сезиларли таъсир кўрсатмади.

Башоратловчи омил 3 дан 5 гача баҳоланган беморлар учун олти ойда кутилган ўлим даражаси 71%ни, бир йилдан кейин эса 49%ни ташкил қилди. Бундан фарқли ўлароқ, башоратловчи омил 6 дан 8 гача баҳоланган беморларда олти ойда кутилган яшовчанлик даражаси 31%ни ташкил қилди ва бир йилдан кейин - 11%ни ташкил қилди. Радионуклид терапия ва таргет терапия - бу метастазли беморлар учун энг яхши танлов усули ҳисобланди.

ХУЛОСА

“Сийдик-таносил тизими хавфли ўсмаларининг кўплаб остеоген метастазларини комбинирланган даволаш тактикасини такомиллаштириш” мавзусидаги илмий изланишлар асосида куйидаги хулосалар шакллантирилди:

1. Буйрак ва простата беши саратонининг кўплаб остеоген метастазларини даволашнинг янги усули, стандарт терапияга (бисфосфонатлар) самарий ва деносумаб комбинацияси қўшиш билан мукамаллаштирилди ва синовдан ўтказилди; бу ижобий натижаларга эришиш имконини берди - 87,8% ҳолларда аналгетик таъсирининг давомийлиги; ҳаракатчанликни 66% ҳолларда яхшиланиши; ишқорий фосфатаза даражасини 70%га камайишига олиб келди. Бисфосфонатларга қарши кўрсатма (буйрак етишмовчилиги) мавжуд бўлганда, агар бисфосфонатлар самарасиз бўлса, танлов усули фақат деносумаб ва самарий комбинациясини буюришдир.

2. Бисфосфонат (золендрон кислота), деносумаб ва самарий комбинациясидан фойдаланганда беморларнинг уч йиллик яшаб қолишининг 32,3%га, беш йиллик яшаб қолишининг 15,0% га эришилганлиги аниқланди.

Саратон касаллигининг яшовчанлик даражаси 66% - 6 ой, 12 ойдан кейин 48%, 24 ойдан кейин - 33%, 36 ойдан кейин - 23% га ошди.

3. Ишонч билан исботланганки, 2-гуруҳ беморларида (комбинир даволаш гуруҳида) скелет ходисалари учраш даражасини баҳолашда уларнинг камайиш тенденцияси аниқланган ($p \leq 0,005$). Деносуаб+радиофармпрепарат комбинацияси, шунингдек, скелет ходисалари учраш даражасининг пасайиш тенденциясини кўрсатди ($p \leq 0,005$). Биринчи скелет ходисасининг ўртача вақти 1-гуруҳда $161 \pm 17,6$ кун эди. Иккинчи гуруҳда биринчи скелет ходисасига ўртача вақт $267,2 \pm 31,4$ кунни ташкил этди. Учинчи гуруҳда биринчи скелет ходисасининг ўртача вақти $202,2 \pm 18,6$ кунни ташкил этди ($p = 0,0041$).

4. Буйрак саратонида суяк метастазларининг бел соҳаси билан чегараланиши ($p \leq 0,001$) салбий башоратловчи омилга эга бўлса, простата беzi саратони метастазлари ($p \leq 0,001$) бўлган беморларда кўкрак умуртқаси ва тос суяги ижобий башоратловчи омил бўлган. Шунингдек, бел-думғаза кисмидан каудал умуртқа поғонасидаги метастазлар салбий башоратловчи омиллар эди. Простата безининг бирламчи шикастланиши билан мурожаат қилган, аллақачон скелет метастазлари бўлган беморлар, суякларни радиацион сцинтиграфияда аниқланган кўплаб суяк шикастланишидан қатъий назар, ижобий башорат омилга эга бўлган (регрессия коэффиценти 0,339). Буйрак саратонида суяк патологик синиши 95% ишончлилик интервали билан Автореферат (1,155 (0,885-1,508)) салбий башоратловчи омил эди.

**НАУЧНЫЙ СОВЕТ DSc.04/30.12.2019.Tib.77.01 ПРИ
РЕСПУБЛИКАНСКОМ СПЕЦИАЛИЗИРОВАННОМ НАУЧНО-
ПРАКТИЧЕСКОМ МЕДИЦИНСКОМ ЦЕНТРЕ ОНКОЛОГИИ И
РАДИОЛОГИИ ПО ПРИСУЖДЕНИЮ УЧЕНЫХ СТЕПЕНЕЙ**

**САМАРКАНДСКИЙ ГОСУДАРСТВЕННЫЙ МЕДИЦИНСКИЙ
ИНСТИТУТ**

ШАХАНОВА ШАХНОЗА ШАВКАТОВНА

**СОВЕРШЕНСТВОВАНИЕ ТАКТИКИ КОМБИНИРОВАННОГО
ЛЕЧЕНИЯ МНОЖЕСТВЕННЫХ ОСТЕОГЕННЫХ МЕТАСТАЗОВ
ЗЛОКАЧЕСТВЕННЫХ ОПУХОЛЕЙ МОЧЕПОЛОВОГО ТРАКТА**

14.00.14 – «Онкология»

**АВТОРЕФЕРАТ ДИССЕРТАЦИИ ДОКТОРА ФИЛОСОФИИ (PhD)
ПО МЕДИЦИНСКИМ НАУКАМ**

ТАШКЕНТ – 2022

Тема диссертации доктора философии (PhD) зарегистрирована в Высшей аттестационной комиссии при Кабинете Министров Республики Узбекистан за B2020.4.PhD/Tib.1096.

Диссертация выполнена в Самаркандском государственном медицинском институте.

Автореферат диссертации на трех языках (узбекский, русский, английский (резюме)) размещен на веб-странице Научного совета (www.cancercentr.uz) и Информационно-образовательном портале «Ziyonet» (www.ziyonet.uz).

Научный руководитель: **Рахимов Нодир Махамматкулович**
доктор медицинских наук, доцент

Официальные оппоненты: **Полатова Джамила Шагайратовна**
доктор медицинских наук

Ахмедов Рустам Носирович
доктор медицинских наук

Ведущая организация: **Бухарский Государственный
медицинский институт**

Защита диссертации состоится «___» _____ 2022 г. в _____ часов на заседании Научного совета DSc.04/30.12.2019.Tib.77.01 при Республиканском специализированном научно-практическом медицинском центре онкологии и радиологии. Адрес: 100174, г.Ташкент, ул.Фаробий, 383 дом. Тел.: (+99871) 227-13-27; факс: (+99871) 246-15-96; e-mail: info@cancercenter.uz.

С диссертацией можно ознакомиться в Информационно-ресурсном центре Республиканского специализированного научно-практического медицинского центра онкологии и радиологии (зарегистрирована за № ___). Адрес: 100174, г.Ташкент, ул. Фаробий, 383 дом. Тел.: (+99871) 227-13-27; факс: (+99871) 246-15-96; e-mail: info@cancercenter.uz.

Автореферат диссертации разослан «___» _____ 2022 года.

(реестр протокола рассылки №___ от _____ 2022 года).

М.Н. Тилляшайхов

Председатель научного совета по присуждению учёных степеней, доктор медицинских наук, профессор

А.А. Адилходжаев

Ученый секретарь научного совета по присуждению ученых степеней, доктор медицинских наук, доцент

М.Х. Ходжибеков

Председатель научного семинара при Научном совете по присуждению ученых степеней, доктор медицинских наук, профессор

ВВЕДЕНИЕ (аннотация диссертации доктора философии (PhD))

Актуальность и востребованность темы диссертации. По прогнозам ВОЗ заболеваемость и смертность от онкологических заболеваний во всем мире неуклонно растет¹: среднегодовой темп прироста – 3,71%. Метастазы в кости при диссеминированных злокачественных опухолях возникают в 30–70% случаев и занимают 3-е место по частоте встречаемости после метастатического поражения легких и печени². Метастатические опухоли более распространены, чем первичные, и составляют около 96% всех новообразований костной системы. По данным выполненных аутопсий, костные метастазы при раке почки (РП) развиваются в 33–60% случаев и стоят на 3-м месте после рака предстательной и молочной желез. Несмотря на совершенствование методов диагностики, обнаружение и лечение множественных остеогенных метастазов при раке предстательной железы и почечно-клеточном раке остаётся одной из наиболее актуальных проблем современной онкоурологии.

В мире проводится ряд научных исследований, направленных на разработку эффективных новых подходов к диагностике и лечению множественных остеогенных метастазов почечно-клеточного рака и рака простаты. Метастатические очаги часто поражают позвоночник, таз, ребра, а также проксимальные части длинных костей, и это одна из наиболее важных и сложных проблем при лечении компрессионного синдрома у пациентов с метастатическим поражением костей. Проблема лечения болевого синдрома у больных с метастатическим поражением остается актуальной, так как вызывает резкое снижение качества жизни пациентов. В литературе опубликованы отдельные результаты комбинированной терапии с использованием бисфосфонатов, моноклональных антител и радиофармпрепаратов, но они весьма редки. В связи с этим особое значение приобрела разработка новой концепции комбинированного и комплексного лечения остеогенных метастазов рака почки и простаты.

В нашей стране предприняты масштабные целевые меры по коренному улучшению качества и существенному расширению диапазона оказываемой населению медицинской помощи. В соответствии оказания медицинской помощи населению определены следующие задачи, предусмотренные Указами Президента Республики Узбекистан №УП–4947 «О стратегии действий по дальнейшему развитию Республики Узбекистан» от 7 февраля 2017 года, в постановлении Президента Республики Узбекистан №ПП–3071 «О мерах по дальнейшему развитию специализированной медицинской помощи населению Республики Узбекистан на 2017–2021 годы» от 20 июня 2017 года, а также в других нормативно–правовых документах, принятых в данном направлении. Исходя из этих задач, разработка, совершенствование и оценка эффективности методов лечения множественных остеогенных

¹ World Health Organization – Cancer Country Profiles, 2017.

² Malawer M.M., Delaney T.F. Treatment of metastatic cancer to the bone. Cancer 2016;2(62):2298–317.

метастазов у пациентов со злокачественными опухолями мочевыводящих путей, в частности, раком почек и предстательной железы, с целью совершенствования системы медицинской помощи являются одним из актуальных научных направлений.

Данное диссертационное исследование в определенной степени служит выполнению задач, утвержденных Указами Президента Республики Узбекистан «О Стратегии действий по дальнейшему развитию Республики Узбекистан» № УП-4947 от 7 февраля 2017 года и № УП-5590 от 7 декабря 2018 г. «О комплексных мерах по коренному совершенствованию системы здравоохранения Республики Узбекистан», Постановлениями Президента Республики Узбекистан «О мерах по дальнейшему углублению реформирования системы здравоохранения» и № ПП-3071 от 20 июня 2017 года «О мерах по дальнейшему развитию специализированной медицинской помощи населению Республики Узбекистан на 2017-2021 годы», № ПП-4063 от 18 декабря 2018 г. «О мерах по профилактике неинфекционных заболеваний, поддержке здорового образа жизни и повышению уровня физической активности населения», а также в других нормативно-правовых документах, принятых в данной сфере.

Соответствие исследования приоритетным направлениям развития науки и технологий республики. Диссертационная работа выполнена в соответствии VI приоритетом направления развития науки и техники республики «Медицина и фармакология».

Степень изученности проблемы. Данные Всемирной организации здравоохранения (ВОЗ) показывают, что около 4 миллионов человек во всем мире ежедневно испытывают боль из-за злокачественных образований; у половины этих людей дискомфорт из-за метастазов в кости является доминирующим источником симптомов (Павлова Н. С., Сергиенко Е. А., 2020; Radbruch L., 2020). У большинства пациентов с метастазами в кости по мере прогрессирования болезни развивается боль, интенсивность которой приводит к значительному снижению качества их жизни.

